

# Ислом Нури

## Маколалар

### КУРБОНЛИК НИМА?

**1. Курбонликнинг таърифи:** Курбонлик Аллох Таолога якинлик хосил килиш учун Курбон хайити кунларида сўйиладиган жонлиқдир.

**2. Унинг хукми:** Курбонлик килиш ханафий уламолар наздида закот нисобидаги молга эга бўлган хар бир мусулмон кишининг зиммасидаги вожиб амалдир. (Закотда молнинг нисобга етишидан ташкари, унинг тижорат моли бўлиши ва бир йил давомида камаймасдан туриши шарт килинади, курбонликда эса бу шартлар йўқ). Баъзи олимлар инсоннинг моли нисобга етишетмаслигидан катъий назар, агар у курбонлик килишга кодир бўлса ва шу иш сабабли кийналиб колмаса, унга бу амал таъкидланган суннатдир, дейдилар. Айримлар курбонлик килишни хатто фарз хам деганлар. Бу хукмлар Аллох Таолонинг кўйидаги сўзига асосланади: "Раббингиз учун намоз ўкинг ва жонлик сўйинг". ("Ал-Кавсар" сураси, 2-оят)

Пайгамбар алайхиссалом айтадилар: "Ким намоздан илгари жонлик сўйган бўлса, яна кайта сўйсин". (Муттафакун алаихи). Абу Айюб ал-Ансорий ривоят киладилар: "Киши Пайгамбар алайхиссалом замонларида ўзи ва оила аъзолари номидан бир кўй курбонлик килар эди". (Термизий ривоятлари)

**3. Фазилати:** Курбонлик килишнинг улуг амал эканига Пайгамбар алайхиссаломнинг куйидаги хадислари гувохлик беради: "Курбонлик кунлари Одам боласи киладиган амаллар ичida кон оқизишдан (жонлик сўйишдан) кўра Аллоҳга маҳбуброк амал йўқдир...". (Ибн Можжса ва Термизий ривоятлари, хасан хадис). Яна Пайгамбар алайхиссаломдан: "Курбонлик ўзи нима?", - деб сўрашганда, Расувуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: "У оталарингиз Иброҳим алайхиссаломнинг суннатидир", - деб жавоб бердилар. "Ундан бизга кандай ажр бор?", - дейишганида эса, у зот: "Хар бир туки учун биттадан яхшилик берилур", - дедилар... (Ибн Можжса ва Термизий ривоятлари). Хадисларда бу дунёда курбонлик учун сўйилган жонликнинг Киёмат куни Сирот кўпригидан ўтар пайтда хозир бўлиб, эгасини ўзининг устига миндириши ва Сиротдан олиб ўтиши айтилган.

**4. Хикмати:** Курбонлик килишдаги хикматлар хакида гапирганимизда, улардан куйидагиларни эслашимиз лозим:

*а) Ислом шиорларини улуглаш;* Дин шиорларини хурмат килиш ва улуглаш иймон аломати бўлиб, бу иш туфайли Ислом мустахкамланади, мусулмонларнинг иймонлари зиёдалашади.

*б) Бу амал оркали Аллоҳга якинлик хосил килиш;* Зоро, Аллох Таоло: "Раббингиз учун намоз ўкинг ва жонлик сўйинг", - деб буюрган.

*в) Тавхид ахлининг имоми Иброҳим алайхиссалом суннатларини тирилтириши;* Аллох Таоло у зотга ўз ўгиллари Исмоилни курбонлик килишни вахй килди. Сўнг Исмоилнинг ўрниларига бир кўчкорни эваз килиб берди. У зот ўгиллари ўрнига уша кўчкорни курбонлик килдилар. Аллох деди: "Уни биз улкан курбонлик эвазига алмаштириб олдик". ("Ас-Саффат" сураси, 108-оят)

*г) Хайит куни ахлу оиласа мўл-кўлчилик яратиб бериши хамда факир ва мискинларга нисбатан меҳр-шафкат туйгуларини оммалаштириши;*

д) Чорва хайвонларини бизга бўйсундириб кўйгани учун Аллохга шукronа бажо килиши; Аллоҳ Таоло дейди: "...Бас ундан енглар хамда факир ва хожатмандни ризклантиринглар. Уни сизларга мана шундай бўйсундириб кўйдик, шоядки шукур килсангизлар. Аллоҳга харгиз унинг гўшти хам, кони хам етмас. Лекин Унга сизлар тарафингиздан бўлган такво етур..." ("Ал-Хаж" сураси, 36-37-оятлар)

### 5. Ахкомлари:

а) *Курбонлик килинадиган хайвонларнинг ёши.* Аллоҳ йўлида курбонлик килиш кўй, эчки, мол ва тую каби хайвонлардан биронтасини сўйиш оркали амалга оширилади. Курбонлик килиш учун танланган кўйнинг бир ёшга тўлган бўлиши шарт. Буни араб тилида "жазаъ" дейдилар. Кўй совлик ёки кўчкор бўлиши мумкин. Кўчкор бўлиши афзал саналади. Маълумки, кўй б ойда бир ёшга тўлади. Шунинг учун уни олти ойда бир ёш деб эътибор килинади. Кўйдан бошка эчки, сигир ва туяларга келсак, уларнинг курбонликка ярокли бўлиши учун "саний" бўлиши шарт килинган. "Саний" мазкур хайвонларнинг ёшини белгилайдиган меъёр бўлиб, у эчкининг тўлик бир ёшга кириб, иккига караб кетганидир. Сигирларда икки ёшга тулиб учга ўтгани, туюда тўлик турт ёшга кириб бешинчи йилга ўтгани "саний" бўлади. Пайгамбар алайхиссалом бундай деганлар: "*Сўйсангиз факат "мусинна" ни сўйинглар. Агар бу сизларга огирилик килса, унда кўйдан "жазаъ" сўйинглар.*" (*Муслим ривоятлари*). Хадисни шарх килган олимлар "мусинна" деганда чорва хайвонларнинг "саний" си тушунилади, дейдилар. Санийнинг нима эканини хозир айтиб ўтдик. Кўй, эчкини факат бир киши курбонлик килиди. Тую ва молни етти киши шерик бўлиб курбонлик килиши мумкин.

б) *Курбонлик хайвонининг соглом бўлиши.* Курбонликка аталган жонлик жисмонан хар кандай нуксондан холи, ўзи сог бўлиши керак. Хайвоннинг кўзи гилай ёки оёги чўлок ё эса шохи тагидан синган, кулоги тагидан бутунлай кесилган бўлса, у курбонликка ярокли хисобланмайди. Шунингдек, бирор касаллик билан касалланган, жуда хам озиб кетган жоноворларни курбонлик килиш хам ножоиз. Пайгамбар алайхиссалом айтадилар: "*Жонликнинг тўрт тури курбонликка ярокли эмас: гилайи, касали маълуми, чўлоги, ориги.*" (*Термизий ривоятлари*).

в) *Курбонлик килишида энг афзал саналадиган хайвон.* Курбонлик килинаётган чорва хайвонларининг ичида энг афзали - икки кўзи атрофига ва оёкларига кора ранг аралашган шохли, семиз, ок кўчкордир. Чунки мана шундай сифатли кўйни Пайгамбар алайхиссалом яхши кўрганлар ва курбонлик килганлар. Оиша онамиз айтадилар: "*Пайгамбар алайхиссалом шохли, семиз кўчкорни курбонлик килдилар.*" (*Термизий ривоятлари*).

6. **Курбонлик вакти:** Курбонлик вакти хайит куни эрталаб ийд намозидан сўнг бошланади. Намоздан олдин курбонлик килиш хисобга ўтмайди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: "*Ким намоздан илгари жонлик сўйса, факат ўзи учун сўйган бўлади. Ким намоздан кейин сўйса, курбонликни тўлик килиб, мусулмонлар суннатига мувофик иши килган бўлади,*" - деганлар. (*Бухорий ривоятлари*). Хайитдан кейинги иккинчи, учинчи кунларга келсак, уларда хам курбонлик килиш мумкин. Лекин афзали хайит намози ўкилган биринчи кундир. Имом Абу Ханифа наздларида биринчи, иккинчи ва учинчи кунларда курбонлик килиниши жоиз. Хайитнинг тўртингчи куни сўйилган хайвон курбонлик хисобига кирмайди. Имом Шофеъий эса тўртингчи кунни хам курбонлик кунидан деб хисоблайдилар.

**7. Жонлик сўйишда мустахаб бўлган ишлар:** Хайвонни сўяётганда уни киблага каратиб ёткизиш мустахабдир. Жонликка пичок тортаётган махал: "Бисмиллах, валлоху акбар", - дейилади ёки: "Бисмиллах, валлоху акбар, аллохумма хаза минка ва лака", - деб айтилади. Бунинг маъноси: "Аллохнинг номи билан бошлайман. Аллох буюқдир. Эй Аллоҳим, бу курбонлик Сен тарафингдан ва Сенга аталгандир". Хайвон сўйишдаги зикрлар Куръоннинг ушбу ояти билан событ бўлган: "Аллохнинг номи зикр килинмаган нарсадан еманглар". ("Ал-Анъом" сураси, 121-оят).

**8. Жонлик сўйишини бошкага топширишнинг жоизлиги:** Мусулмон курбонлигини бевосита ўзи бўғизламоги мустахабдир. Уни ўз номидан бошкага сўйидирса хам жоиз бўлади. Бу борада уламолар ўртасида ихтилоф йўқ.

**9. Курбонлик гўштининг таксимоти:** Курбонлик гўштини уч кисмга бўлиш мустахаб саналади. Бир кисмини ўзи ахлу оиласи билан истеъмол килади. Яна бир кисмини факир, бева-бечораларга садака килади. Учинчи кисмини ёру биродарлари, кўни-кўшниларига хадя килади. Бунга далил Пайгамбар алайхиссаломнинг куйидаги хадислари: "Ундан енглар, саклаб кўйинглар ва садака килинглар". (*Муттафакун алайхи*). Яна курбонлик гўштини бутунлай садака килиб юбориш хам, ундан бирон бўлакни хадя килмай, факат ўзи ишлатиши хам жоиздир.

**10. Курбонликни сўйган кассобнинг хакки бошқа нарсадан берилиши керак:** Кассобга хизмат хакки сифатида курбонлик гўштидан берилмайди. Бунга далил шуки, Али разияллоху анху айтадилар: "Расулуллоҳ соллаллаҳу ала́йхи әәләйхی ас-սәләм мәни کурбонлик устидә туриб, гўши, териси ва жунларини садака килиб юборишими ва кассобга курбонликдан бирон нарса бермаслигимни буюрдилар". Сўнг дедилар: "Биз кассобга ўзимиздан бирон нарса берар эдик". (*Муттафакун алайхи*).

**11. Бутун бир оиласидан биргина кўй кифоя киладими?** Оила бошлиги ўзи ва оиласининг номидан битта кўй сўйса кифоя килади. Абу Айюб разияллоху анху айтадилар: "Пайгамбар алайхиссалом замонларида киши ўзи ва оила аъзолари номидан битта кўй курбонлик киларди". (*Термизий ривоятлари, сахих*)

**12. Курбонлик килишни ният килган одам нимадан четлашади?** Пайгамбар алайхиссалом дейдилар: "Агар сизлардан ким Зулхижжса хилолини кўрса ва курбонлик килмокчи бўлса, то курбонлик килмагунича сочини ва тирногини олишдан тиййисин". (*Муслим*). Уламолар мазкур ишларни курбонлик килувчи одам учун кучли макрух санайдилар.

**13. Пайгамбар алайхиссаломнинг бутун уммат номидан курбонлик килганлари:** Мусулмонлардан ким курбонлик килишдан ожиз бўлса, унга хам албатта курбонлик килувчилар савобидан тегади, иншоаллох. Чунки Пайгамбар алайхиссалом икки кўчкорни курбонлик килган пайтларида унинг бирини: "Эй Аллоҳим, бу мендан ва умматим ичида курбонлик килолмаганлардан", - деб сўйганлар. (*Ахмад, Абу Довуд ва Термизий ривоятлари*).

Аллоҳ Таолодан барчамизнинг дунё ва охиратимизни обод килишини, молу дунёимизга барака ато этиб, хар йили ушбу хайрли амалда иштирок этишга муваффак килишини сўраймиз.

(Мусулмон Ўзбекистон веб сахифасидан олинди)